

Ижара шартномаси № 3

«05» январ 2022 йил

Нарпай тумани

“Сувиншоатқурилиш” маъсулияти чекланган жамияти бундан буён матнда “Ижара берувчи” деб аталувчи ва АТБ “Қишлоқ Қурилиш банк”и Каттақурғон филиали томонидан Уз низомга мувофиқ бошқарувчи С.И.Ураков бундан буён “Ижара олувчи” деб аталувчи тимсолида иккинчи томондан, қуйидаги ҳақида ушбу шартнома тузилди:

I. Шартнома предмети

“Сувиншоатқурилиш” маъсулияти чекланган жамияти Нарпай туман Оқтош шаҳри Алишер Навоий куча № 17А уйда жойлашган биносидан 2 та хонани АТБ “Қишлоқ Қурилиш банк”и Каттақурғон филиалига ижарага бериш тўғрисида.

II. Шартнома мажбуриятлари

1. “Ижарага берувчи” ўз биноси қошидаги 2 та хонасини АТБ “Қишлоқ Қурилиш банк”и Каттақурғон филиалига ижарага беради. Ижара ҳақи ҳар ойда 4 000 000 (Турт миллион) сўм қилиб белгиланди.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонун ва фармонлари асосида иш ҳақи ва бошқа туловлар оширилган тақдирда томонларнинг ўзаро келишувига асосан ижара ҳақи тулови узгартирилиши мумкин.
Ижара ҳақида қуйидагилар киради:
А) Йилда бир марта бинони ташқи ва ички ҳамда том қисмини жорий ремонт қилиш.
Б) Электр тўловлар харажати
В) Таъбиий газ билан таъминлаш мавсумий
3. “Ижарага олувчи” бинони тозалиги ва санитария ҳолатини сақлашни ўз зиммасига олади.

III. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

1. Ушбу шартнома юзасидан томонлар ўртасида пайдо бўладиган барча низолар ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви билан ҳал қилинади.
2. Ўзаро келишув йўли билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаган тақдирда, масала иктисодий суд ва фуқоролик судида Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

IV. Шартномани амал қилиш ва бекор қилиш тартиби.

Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Ушбу шартномани амал қилиш вақти 2022 йил 31-декабргача. Ушбу шартномага киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан ёзма равишда тузилади. Бу тўғрисида томонлар 10 кун ичида ёзма равишда огоҳлантирилади.

V. Бошқа шартлар.

1. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган барча ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси ЎЗР қонунчилигига асосланган ҳолда хўжалик субъекларининг шартномани ҳуқуқий фаолияти базасида иш бажарадилар.
2. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилади.

Томонларнинг юридик манзили:

“Ижарага берувчи”
“Сувиншоатқурилиш” маъсулияти
чекланган жамияти

Х/р _____

МФО _____

ИНН _____

Манзили: Нарпай туман.

Оқтош шаҳри/А-Навоий куча 17А-уй

Рахбар _____ Р.Алиходжаев



“Ижарага олувчи”

АТБ “Қишлоқ Қурилиш банк”и
Каттақурғон филиали

Х/р _____

МФО-00316

ИНН-200722837

Манзили: Каттақурғон шаҳри

А.Темур кўчаси 6-уй

Бошқарувчи _____ С.И.Ураков

